- республиканские общественные объединения аудиторов сертифицируют внутренних аудиторов, которые признаются по всей республике, но они не могут разрабатывать и утверждать документы нормативного уровня. Внутренние аудиторы не обязаны быть членами общественных объединений аудиторов, они не обязаны использовать в своей деятельности методические материалы и рекомендации общественных объединений аудиторов;
- не разработаны и не утверждены профессиональные стандарты внутреннего аудита. Внутренние аудиторы в качестве методологической основы используют Национальные стандарты аудиторской деятельности, которые скоро перестанут применяться. Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 19.09.2018 года №ПП-3946, с 2020 года в республике будут применяться Международные стандарты аудита. Какие стандарты будут применять внутренние аудиторы в своей деятельности, не определено на нормативном уровне.

В настоящее время в республике нет уполномоченного органа, комплексно занимающегося мониторингом рынка внутреннего аудита,

В настоящее время в республике нет уполномоченного органа, комплексно занимающегося мониторингом рынка внутреннего аудита, контролем над соблюдением норм законодательства всеми участниками рынка, анализом возникающих проблем и перспективами развития института внутреннего аудита.

На рынке недостаточно внутренних аудиторов, имеющих практический опыт работы и квалификацию для оказания услуг хозяйствующим субъектам. В связи с этим предлагается рассмотреть возможность концентрации специалистов в общественно значимых хозяйствующих субъектах – акционерных обществах.

контролем над соблюдением норм законодательства всеми участниками рынка, анализом возникающих проблем и перспективами развития института внутреннего аудита.

На рынке недостаточно внутренних аудиторов, имеющих практический опыт работы и квалификацию для оказания услуг хозяйствующим субъектам. В связи с этим предлагается рассмотреть возможность концентрации специалистов в общественно значимых хозяйствующих субъектах – акционерных обществах. На законодательном уровне принять решение об обязательном создании в акционерных обществах служб внутреннего аудита, а в других хозяйствующих субъектах – по решению собственников.

2. Проблемы в сфере корпоративного управления.

Практика показывает: чем крупнее хозяйствующий субъект, тем длительнее процесс трудоустройства в него. Как правило, специалист ждет несколько месяцев, пока не соберется наблюдательный совет для рассмотрения его кандидатуры на должность внутреннего аудитора. Не каждый специалист может себе позволить ждать решения наблюдательного совета, нигде не работая.

В соответствии с Положением о службе внутреннего аудита, на предприятиях трудовое соглашение с внутренним аудитором заключает наблюдательный совет в лице его председателя, что является гарантом независимости внутреннего аудитора. Но на самом деле поиском и приглашением на работу специалистов в службу внутреннего аудита в основном занимаются исполнительные органы предприятий. В результате на встречу с наблюдательным советом попадают те специалисты, которые прошли «фильтр лояльности» исполнительному органу.

Некоторые требования вышеуказанного Положения практически не выполняются по следующим причинам:

Пункт 10 Положения требует ежегодной аттестации внутреннего аудитора наблюдательным советом. Не каждый наблюдательный совет имеет в своем составе специалистов, которые могут понимать суть проблем, поднимаемых внутренним аудитором, а тем более его ежегодно аттестовывать. В лучшем случае аттестация проводится в форме тестирования или с привлечением сторонней организации.

В общем рейтинге первое место (как и в рейтингах по показателям финансового посредничества и доходности) занял Капитал банк. В частности, соотношение сберегательных и срочных депозитов к общей сумме кредитов в Капиталбанке увеличилось до 82%, в то время как доля депозитов и кредитов от других банков и финансовых учреждений в общих обязательствах и доля государственных средств в общих обязательствах считаются значительно ниже средних показателей по банковской системе (3,2 и 0,14 соответственно). Этому способствовали также высокие показатели индекса финансовой доступности, доли кредитов 10 крупнейших клиентов и соотношения кредитов, выданных частному сектору, к общей сумме кредитов.

Хамкорбанк занял 2 место в общем рейтинге (по финансовой доступности 1-е место, по доходности 2-е место). В частности, данный банк занял 3-е место в рейтингах по среднему количеству кредитов выданных филиалами физическим лицам (4323 человека на филиал). Доля кредитов топ-10 клиентов Хамкорбанка является невысокой (14,3%).

Источник: *https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/1160916-komu-mozhno-doveryat-vpervye-sostavlen-rejting-kommercheskih-bankov.html*

Считаем, что данный пункт противоречит Трудовому кодексу и снижает уверенность внутреннего аудитора в своем будущем. В республике нет другой профессии, где работник ежегодно проходил бы аттестацию. Формально данный пункт позволяет заключать с внутренним аудитором срочный трудовой договор и дает основание предприятию к расторжению трудового договора в случае не прохождения специалистом аттестации. Если учитывать длительность процесса принятия на работу внутреннего аудитора, то можно предположить, с какими проблемами он может столкнуться в качестве безработного.

Внутренний аудитор не член ревизионной комиссии, который имеет свою основную работу. Он является штатным работником предприятия и надеется на защиту своих прав Трудовым кодексом наряду с другими работниками данного предприятия.

Взаимоотношения внутреннего аудитора с членами наблюдательного совета в большинстве случаев ограничиваются встречей на ежеквартальных заседаниях наблюдательного совета. В остальное время внутренний аудитор остается в распоряжении исполнительного органа. Создание рабочего места и условий для работы, выплата премий, оказание материальной помощи и т.п. вопросы решаются исполнительным органом предприятия, как правило, без согласования с наблюдательным советом. Тем самым теряется независимость внутреннего аудитора от исполнительного органа.

При этом заслуживает внимания практика Центра по управлению государственными активами при Госкомконкуренции РУ. Центр на ежеквартальной основе собирает и изучает отчеты внутренних аудиторов, финансовую отчетность предприятий, имеющих в уставном капитале государственную долю. По итогам рассмотрения направляет извещения наблюдательным советам по устранению выявленных отклонений от выполнения показателей бизнес-плана и т.п.

Какую практическую пользу приносит внутренний аудитор? Можно отметить случаи, когда внутренний аудитор является больше всего востребованным:

1. Внутренний аудитор оказывает консультативные услуги сотрудникам и структурным подразделениям предприятия, в том числе когда участвует в процессе оформления сложных документов с поставщиками товаров (работ, услуг): валютные контракты, подрядные работы, проведение тендеров и т.п.

2. Внутренний аудитор осуществляет внутренние аудиторские проверки деятельности хозяйствующих субъектов, которые являются зависимыми от предприятия, в котором он работает.

3. Если на предприятии сменился собственник, который желает выяснить текущее состояние предприятия.

Из вышеизложенного можно сделать выводы: внутренний аудит процветает на тех предприятиях, на которых внутренний аудитор занимается оказанием консультаций и проверкой подведомственных предприятий. Не каждому исполнительному органу выгодно, что внутренний аудитор в течение года на постоянной основе проводит проверку финансово-хозяйственной деятельности предприятия.

Взаимоотношения внутреннего аудитора с членами наблюдательного совета в большинстве случаев ограничиваются встречей на ежеквартальных заседаниях наблюдательного совета. В остальное время внутренний аудитор остается в распоряжении исполнительного органа. Создание рабочего места и условий для работы, выплата премий, оказание материальной помощи и т.п. вопросы решаются исполнительным органом предприятия, как правило, без согласования с наблюдательным советом. Тем самым теряется независимость внутреннего аудитора от исполнительного органа.

Внутренний аудит процветает на тех предприятиях, на которых внутренний аудитор занимается оказанием консультаций и проверкой подведомственных предприятий. Не каждому исполнительному органу выгодно, что внутренний аудитор в течение года на постоянной основе проводит проверку финансово-хозяйственной деятельности предприятия.

3. Проблемы в организации деятельности внутреннего аудитора.

В настоящее время нет нормативных документов, подробно регламентирующих процедуру организации, проведения и составления отчетов по итогам внутренних аудиторских проверок. Разработанные методические пособия имеют рекомендательный характер и не являются обязательными к применению.

Взаимоотношения внутреннего аудитора с наблюдательным советом и исполнительным органом не урегулированы на нормативном уровне. В случае спорных моментов нет уполномоченного органа, защищающего нематериальные интересы внутреннего аудитора.

Не всегда замечания внутреннего аудитора и выявленные им нарушения принимаются должным образом наблюдательным советом и исполнительным органом предприятия. Наблюдательный совет в большинстве случаев не управляет внутренним аудитором, ограничиваясь рассмотрением его отчетов.

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ИНСТИТУТА ВНУТРЕННЕГО АУДИТА

В целях дальнейшего развития института внутреннего аудита предлагается:

1. Принимая во внимание отмену Национальных стандартов аудиторской деятельности (№ПП-3946 от 19.09.2018 года) с 2020 года, перейти на Международные стандарты внутреннего аудита.

2. Обязательное членство внутренних аудиторов в республиканском общественном объединении аудиторов.

3. В целях методического обеспечения внутренних аудиторов на уровне международной практики, создать в республике подразделение Международного института внутренних аудиторов (США).

4. Внести в нормы законодательства изменения, обязывающие создание в структуре наблюдательных советов комитетов по аудиту с участием в них специалистов с соответствующей квалификацией.

5. Отменить обязательную аттестацию внутренних аудиторов.

6. Уполномочить республиканские общественные объединения аудиторов разработать методические материалы по внутреннему аудиту, которые будут обязательны к применению всеми хозяйствующими субъектами республики.

7. Передать на контроль Агентству по рынку капиталов соблюдение требований по созданию служб внутреннего аудита в акционерных обществах.

8. Установить на нормативном уровне обязательность создания служб внутреннего аудита в акционерных обществах, а для хозяйствующих субъектов других форм собственности – по усмотрению собственников.

ABSTRACTS

CURRENT STATE AND WAYS OF IMPROVING THE ACTIVITIES OF INTERNAL AUDIT SERVICES IN THE REPUBLIC

In this article, the author examines such an urgent problem as the development of internal audit. The article provides the history of the development of internal audit, problems in the development of this area, such as problems in the field of regulatory documentation, in the field of corporate governance and in organizing the activities of the internal auditor. In the article, the author also gives suggestions for improving the institution of internal audit.

АУДИТДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бекзод Дагаров,
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ «Ал-Хоразмий» филиали бошқарувчиси ўринбосари, Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Хорижий мамлакатларда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик текширувини белгиланган муддат ва тартибда халқаро стандартлар асосида ташкил этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида аудиторлик текширувини ташкил этишнинг тартиб-таомиллари, ишончли аудитор фикрини шакллантиришда далиллар етарлилигини баҳолаш ва текширув натижаларини тақдим этишда ягона услубий тартибга эришилган, ХАС (халқаро аудит стандартлари) талабларига мос келувчи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини шакллантириш масалалари илмий жиҳатдан асосланган. Мазкур тадқиқотлар натижасида АҚШнинг умумқабул қилинган принциплари (GAAP), молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ХАС қоидаларини ўзаро мувофиқлаштиришга эришилиб, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг стандарт шакллари ҳамда аудит ўтказиш услубияти тавсия этилган. Шунингдек, Ўзбекистон аудиторлик амалиётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаларига қарамасдан «...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти...»[1].

Таъкидлаш жоизки, бугунги Ўзбекистон аудиторлик амалиётида текширувларни халқаро меъёрларга мувофиқ ўтказишда самарали усул ва таҳлилий амалларни қўллаш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини тасдиқлашда аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган амаллар муҳим аҳамият касб этади. Аудиторлик далилларининг етарлилиги ва мослигини таъминлаш, аудиторлик хулосаларининг сифатини оширишда аудиторлик амалларидан энг самаралиси сифатида таҳлилий амаллар кенг қўлланилади. Таҳлилий амалларни

Бугунги Ўзбекистон аудиторлик амалиётида текширувларни халқаро меъёрларга мувофиқ ўтказишда самарали усул ва таҳлилий амалларни қўллаш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон Қарори. URL: http://lex.uz.*

ўтказиш аудиторга ишончли далилларни қисқа муддатда ишончли усуллар орқали тўплаш имконини беради ва, боз устига, текширувда қўлланиладиган бошқа усулларга қараганда камроқ харажат талаб қилади. Шунингдек, таҳлилий амаллардан фойдаланиш бошқарув қарорларини қабул қилиш ва профессионал аудиторлик фикрини шакллантириш учун ахборот олиш ва қайта ишлаш вақтини қисқартиришга хизмат қилади.

Аудиторлик далилларини тўплашда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида аудиторлик далилларини тўплашнинг энг самарали усулларини қўллаш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги бугунги кунда текширувларда таҳлилий амалларни қўллаш жараёнини такомиллаштиришга оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Шунингдек, аудиторлик далилларини тўплашда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида аудиторлик далилларини тўплашнинг энг самарали усулларини қўллаш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги бугунги кунда текширувларда таҳлилий амалларни қўллаш жараёнини такомиллаштиришга оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

520-сон «Таҳлилий амаллар» номли халқаро аудит стандарти ва 13-сон «Таҳлилий амаллар» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллашни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Юқорида номлари келтирилган аудиторлик стандартлари ҳамда бошқа аудитга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таҳлилий амаллар аудиторлик фаолияти доирасида кўриб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади. Жумладан, «таҳлилий амаллар» номли 520-сон аудитнинг халқаро стандартида «таҳлилий амаллар молиявий ва номолиявий ахборот ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш йўли билан молиявий маълумотларни баҳолашдан иборат. Таҳлилий амаллар муҳим аҳамиятга эга бўлган тенденциялар ва коэффициентлар таҳлилини, шунингдек, агар улар бошқа ўринда маълумотлар билан мос тушмаса ёки башорат қилинган қийматлардан фарқ қиладиган бўлса, ўзаро алоқалар ва четланишларни ўрганишни ўз ичига олади» деб эътироф этилган[2].

[2] *«Таҳлилий амаллар» номли 520-сон аудитнинг халқаро стандарти. URL: https://www.nrm.uz/.*

Юқоридаги таърифдан кўринадики, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда «таҳлилий амаллар» тушунчасининг таърифи текширилаётган субъектда амалга оширилган муомалалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни, хусусан, молиявий ҳисобот шакллари ҳамда бошқа бирламчи ва йиғма ҳужжатлар маълумотларининг ўзаро мослигини таҳлил қилиш мазмунини ўзида мужассамлаштиради.

Аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллашнинг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича кўплаб хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Илмий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан «таҳлилий амаллар» тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хорижлик олимлардан Р.П. Булыга ва М.В. Мельникларнинг таъкидлашича, «таҳлилий амаллар таққослаш, таҳлил ва синтез усулларига, шунингдек, иқтисодий таҳлил махсус усулларига асосланган ва таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ўртасида сабаб-оқибат алоқалари мавжудлигини кўзда тутадиган махсус усуллардан фойдаланишга асосланган аудиторлик текширувини ташкил қилиш ва ўтказиш усулидир»[3].

Яна бир хорижлик иқтисодчи А.А. Мулман эса «таҳлилий амалларни молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги эҳтимолий алоқадорликларни баҳолаш усули» сифатида тадқиқ этган[4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим А.З. Авлоқуловнинг фикрига кўра, «таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик муомалаларини, шунингдек, хатоларни аниқлаш мақсадида текширилаётган иқтисодий субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш, аудитор томонидан тўпланган маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олувчи аудиторлик амалларининг хилма-хиллигидир»[5].

Иқтисодчи М.Е. Грачёва ўз тадқиқотларида «таҳлилий амаллар субъектнинг молиявий ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлган тенденциялар ва коэффициентлар таҳлили, жумладан, агар бошқа ўринли ахборот билан мувофиқ келмаса ёки мезоний қийматлардан фарқ қиладиган бўлса, ўзаро алоқалар ва четланишларни ўрганишни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади» деб таъкидлайди[6].

Олимлар Ш. Тожибоева ва С. Омоновлар «аудитор хўжалик субъектларида молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлар юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари сифатини оширишда қўлланиладиган амаллар»ни таҳлилий амаллар, деб таъкидлайдилар[7].

Россиялик яна бир олим Ж.А. Кеворкова «таҳлилий амалларни ички аудит усули» сифатида кўриб чиққан[8].

Юқорида келтирилган таҳлилий амаллар мазмунига

Аудитда таҳлилий амаллар – молиявий ҳисобот шакллари моддалари ва бирламчи ҳужжатлар ўртасидаги номувофиқликлар ҳамда текширилаётган субъект фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрларига мослигини аниқлашда қўлланиладиган таҳлил ва ўзаро солиштириш усуллари мажмуидир. Таҳлилий амаллар мазмуни уни чуқур тадқиқ этиш ва амалда кенг қўллаш жараёнида янада такомиллашиб, унинг моҳияти аниқлашиб боради.

[4] *Anneke Maré Moolman. The usefulness of analytical procedures, other than ratio and trend analysis, for auditor decisions. // International Business & Economics Research Journal – Third Quarter 2017. Volume 16, Number 3.*

[5] *Авлокулов А.З. Аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллашнинг моҳияти ва уларни бажариш тартиби. // «Молия» илмий журнали. – Тошкент, 2010. №1. – 88-91-betlar.*

[6] *Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): учеб. пособие. 2е изд. – М.: РИОР, 2012. – 138 с.*

[7] *Тожибоева Ш., Омонов С. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланиш. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. №2, март-апрель, 2019 йил.*

[8] *Кеворкова Ж.А. Внутренний аудит в обеспечении экономической безопасности бизнеса // Лизинг. 2015. №5–6. – С. 29–33.*

доир илмий таъриф ва талқинларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, муаллифлар таҳлилий амаллардан турли мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланганлар. Шунингдек, юқоридаги тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлсада, бироқ аудиторлик амалиётида таҳлилий амалларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни тўплаш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти ҳамда яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда комплекс илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Фикримизча, таҳлилий амаллар мазмунини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Аудитда таҳлилий амаллар – молиявий ҳисобот шакллари моддалари ва бирламчи ҳужжатлар ўртасидаги номувофиқликлар ҳамда текширилаётган субъект фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрларига мослигини аниқлашда қўлланиладиган таҳлил ва ўзаро солиштириш усуллари мажмуидир. Таҳлилий амаллар мазмуни уни чуқур тадқиқ этиш ва амалда кенг қўллаш жараёнида янада такомиллашиб, унинг моҳияти аниқлашиб боради.

Аудиторлик фаолияти бўйича илғор хориж тажрибаси ва халқаро стандартлар талабларига кўра, аудиторлик текширувининг қисқа муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлашнинг энг оптимал йўли бу текширувларда таҳлилий амалларни кенг миқёсда ва самарали қўллаш ҳисобланади.

Аудиторлик фаолияти бўйича илғор хориж тажрибаси ва халқаро стандартлар талабларига кўра, аудиторлик текширувининг қисқа муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлашнинг энг оптимал йўли бу текширувларда таҳлилий амалларни кенг миқёсда ва самарали қўллаш ҳисобланади.

Таҳлилий амалларнинг тури уларни ўтказиш мақсади, бажариш имконияти ва хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият турига боғлиқ ҳолда аудиторлар томонидан белгиланади. Фикримизча, таҳлилий амалларни қўлланиш мақсадига қай даражада эришилганлигини баҳолаш учун таҳлилий амалларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан кўрсаткичларини аниқлаш талаб этилади. Бизнингча, таҳлилий амалларнинг сифат кўрсаткичларига мисол ўрнида текширилаётган субъект фаолияти хусусидаги ички ва ташқи маълумотларнинг дастлабки аудиторлик мантиқий таҳлил натижаларини киритиш мумкин. Бундай амалларнинг асосий камчилиги – баҳолашнинг субъективлик даражаси юқорилиги, яъни натижалар аудиторнинг малакаси ва тажрибасига боғлиқ бўлади. Шу боис текширувларда улардан фойдаланишнинг расмий ёндашувга асосланган миқдорий таҳлилий амаллар билан биргаликда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ўз навбатида, оддий миқдорий таҳлилий амалларга оддий коэффициентлар асосида текширилаётган субъект молиявий фаолиятини таҳлил қилиш мисол бўлади. Мураккаб амаллар трендлар таҳлили, вариация таҳлили, регрессия таҳлили ва моделлаштиришни ўз ичига олади. Бундай миқдорий таҳлилий амалларнинг афзаллиги нати-

Халқаро аудит стандартлари ва илғор хориж тажрибасига кўра, текширувларда таҳлилий амаллар қуйидаги 4 босқичдан иборат бўлган кетма-кетликда бажарилиши мақсадга мувофиқ:

1-жадвал

Аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни бажариш кетма-кетлиги

Босқичлар	Таҳлилий амаллар мазмуни
1	Таҳлилий амаллар мақсадини белгилаш
1. Хўжалик фаолиятида амалга оширилган ноқонуний ёки нотўғри акс эттирилган муомалаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш; 2. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш; 3. Молиявий ҳисобот бузилиши фактларини аниқлаш; 4. Режалаштирилган аудиторлик амаллари сонини қисқартириш; 5. Юзага келган саволларга жавоб олиш мақсадида тест (саволнома, анкета)дан ўтказиш.	
2	Таҳлилий амаллар турини танлаш
1. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисобот кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш; 2. Молиявий ҳисобот амалдаги кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш; 3. Хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган муомалаларни давлат ёки ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан солиштириш; 4. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган бошқа номолиявий кўрсаткичлар билан солиштириш; 5. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш; 6. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомида ўзгаришлари ва уларга боғлиқ бўлган нисбий коэффициентлар таҳлилини амалга ошириш.	
3	Амалларни бажариш
1. Хўжалик юритувчи субъект томонидан қўлланиладиган режалаштириш услубияти (ҳисоб сиёсатига амал қилиниши) ни баҳолаш; 2. Текширилаётган субъект бизнес-режа (смета) кўрсаткичлари ҳисобот даври молиявий кўрсаткичларига мувофиқлигини ёки субъект фойдасининг ўзгаришини баҳолаш: 3. Жорий давр бўйича нисбий кўрсаткичларнинг таҳлилини амалга ошириш; 4. Турли даврларда хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича кўрсаткичлар ўзгаришининг таҳлилини амалга ошириш; 5. Нисбий кўрсаткичлар бир неча турининг ўзгаришларини солиштириш; 6. Хўжалик юритувчи субъект дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари шаклланиш ҳолати, унинг ўзгариш сабаблари ва камайтириш йўлларини таҳлил қилиш; 7. Хўжалик юритувчи субъект ўзаро боғлиқ бўлган бухгалтерия счётларидаги қолдиқларни солиштириш; 8. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори талаблари асосида хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини баҳолаш (СМК ва СЙКни аниқлаш ва улар бажарилиши ҳисобини таҳлил қилиш); 9. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг узлуксизлигини баҳолаш; 10. Хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган муомалалар бўйича ҳисоб маълумотлари молиявий ҳисоботларда тўғри ва ҳаққоний умумлаштирилганлигини ёки кўрсаткичларнинг ишончлилигини текшириш; 11. Текширилаётган субъект молиявий ҳисоботи кўрсаткичларининг статистик ҳисоботлар ва бошқа ташқи субъект (учинчи шахс)лар маълумотлари билан мослигини баҳолаш; 12. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларида кутилмаган фойда даромад сифатида кўрсатилмаганлигини ўрганиш; 13. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботига тушунтиришлар ва изоҳлар хатида текширилаётган субъект фаолиятидаги кутилмаган ҳолатларни тавсифловчи ахборотнинг мазмуни, уларнинг келгусидаги натижаларга таъсири, молиявий таъсирни баҳолаш ёки бундай баҳолаш ўтказиш мумкин эмаслиги бўйича ахборотларнинг очиб берилганлигини ўрганиш; 14. Бухгалтерия баланси моддаларини ўзаро солиштириш ва улардаги жиддий ўзгаришларни баҳолаш; 15. Молиявий ҳисобот шакллари моддаларини ўзаро солиштириш ва фарқли ўзгаришлар сабабларини таҳлил қилиш; 16. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятида рўй берган кутилмаган вазиятларнинг оқибатлари ёки уларнинг текширилаётган субъект молиявий натижаларига таъсирини баҳолаш; 17. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидаги фавқулодда зарарларнинг мавжудлиги ва улар молиявий ҳисоботларда мажбурият сифатида тўлиқ очиб берилганлигини ўрганиш.	
4	Бажарилган амалларни таҳлил этиш
1. Бажарилган таҳлилий амаллар натижасида аниқланган камчиликларни пулда ифодалаш ва уларнинг текширилаётган субъект молиявий натижаларига таъсирини баҳолаш; 2. Бажарилган таҳлилий амаллар натижасида аниқланган камчиликларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш; 3. Бажарилган таҳлилий амалларнинг белгиланган муҳимлик ва аудиторлик риски даражасига таъсирини баҳолаш; 4. Аудиторлар томонидан тузилган муқобил баланс ва субъектнинг расмий баланси кўрсаткичларини ўзаро солиштириш ҳамда аниқланган тафовутлар бўйича субъект масъул бухгалтерларидан тушунтиришлар олиш.	

Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

Текширувларда таҳлилий амаллардан фойдаланиш самарадорлиги аудиторларнинг билими, малакаси ва текширув жараёнида илғор автоматлаштирилган дастурлардан қай даражада фойдаланилганлик ҳолатига бевосита боғлиқдир.

жаларнинг аниқлик даражаси юқорилиги ва объективлиги ҳисобланади. Бироқ бунда уларни қўллаш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади ҳамда қимматга тушади, шу боис текширувларда бундай таҳлилий амаллар маълумотлари одатда камдан-кам қўлланилади. Ҳозирги аудиторлик амалиётида катта ҳажмдаги молиявий кўрсаткичларнинг иқтисодий таҳлилини амалга оширувчи кўп функцияли таҳлил дастурларидан кенг фойдаланилаётганлиги таҳлилий амалларни миқдорий кўрсаткичлар асосида бажаришни давр талаби қилиб қўйди.

Аудиторлик текширувларида бажариладиган таҳлилий амалларни танлаш уларни ўтказиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда аудитор томонидан мустақил белгиланади. Бугунги жаҳон аудиторлик амалиётида таҳлилий амалларни бажаришда қуйидаги асосий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилмоқда:

- Сонли ва фоизли таққослаш;
- Коэффициентли таҳлил;
- Статистик усулларга асосланган таҳлил;
- Ўзаро боғланган омилли таҳлил;
- Математик (эконометрик) моделлаштириш ва бошқалар.

1-жадвалда келтирилган тартибга мувофиқ, текширувнинг барча босқичларида бажарилган таҳлилий амаллар натижалари оралиқ ва умумий аудиторлик маълумотномаларида ҳамда текширилган субъект раҳбариятига тақдим этиладиган ёзма маълумотномада аудиторлик стандартларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиб борилади. Таъкидлаш жоизки, текширувларда таҳлилий амаллардан фойдаланиш самарадорлиги аудиторларнинг билими, малакаси ва текширув жараёнида илғор автоматлаштирилган дастурлардан қай даражада фойдаланилганлик ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Юқорида келтирилган тартибни амалий жиҳатдан асослаш ҳамда келтирилган фикрларга аниқликлар киритиш мақсадида 2-жадвалда асосий воситалар аудити жараёнида бажариладиган таҳлилий амалларни мисол ўрнида кўриб чиқамиз.

Аудиторлик ташкилотларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида текширувлар жараёнида аудиторлик стандартларига мувофиқ таҳлилий амаллар аудиторларнинг мустақил ёндашувлари асосида қўлланилиши белгиланганлиги боис, кўпгина ҳолларда аудиторлар таҳлилий амалларнинг мазмуни ва аҳамиятини тўлиқ англаб етмасликлари

2-жадвал

Асосий воситалар аудитида таҳлилий амалларни бажариш кетма-кетлиги

Босқичлар	Таҳлилий амаллар мазмуни
1	Таҳлилий амаллар мақсадини белгилаш
1. Асосий воситалар бўйича амалга оширилган ноқонуний ёки нотўғри акс эттирилган муомалаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш; 2. Хўжалик юритувчи субъектда асосий воситалар бўйича амалга оширилган муомалаларнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш; 3. Асосий воситалар бўйича молиявий ҳисобот бузилиши фактларини аниқлаш; 4. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш мақсадида тест (саволнома, анкета) ўтказиш.	
2	Таҳлилий амаллар турини танлаш
1. Асосий воситалар бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш; 2. Асосий воситалар бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш; 3. Асосий воситалар бўйича амалга оширилган муомалаларни давлат ёки ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан солиштириш; 4. Асосий воситалар бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган бошқа номолиявий кўрсаткичлар билан солиштириш; 5. Асосий воситалардан фойдаланиш бўйича кўрсаткичларни текширилаётган субъект фаолияти тармоғининг ўртача маълумотлари билан солиштириш; 6. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолатини тавсифловчи молиявий коэффициент (кўрсаткич)ларни аниқлаш ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлилини амалга ошириш.	
3	Амалларни бажариш
1. Хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд асосий воситалари ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда белгиланган тартиб ва услубда баҳоланганлиги, бухгалтерия ҳисоби счётлари ва ҳужжатларида акс эттирилганлиги, ҳисоб сиёсатида белгиланган амортизация ҳисоблаш, ҳисобдан чиқариш, қайта баҳолаш ва қайта тиклаш қоидаларига риоя этилганлигини ўрганиш; 2. Текширилаётган субъект бизнес-режа (смета)сида белгиланган тартиб (қабул қилиш, амортизация харажатлари ва ҳисобдан чиқариш)ларга мувофиқ асосий воситалардан миқдор ва сифат жиҳатдан фойдаланилганлик ҳолатини баҳолаш; 3. Текширилаётган субъект асосий воситаларининг яроқлилик коэффициенти, асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти, асосий воситаларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига қопланиши коэффициенти, асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодаловчи коэффициенти, ўз маблағларининг капиталлашуви коэффициенти, асосий воситалар жамғарилишининг умумий коэффициенти, асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлиги коэффициенти ва асосий воситаларнинг рентабеллиги каби коэффициентларни аниқлаш ва улар ўртасидаги боғланишлар ҳамда ўзгаришларни баҳолаш; 4. Текширилаётган субъект асосий воситалари бўйича молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларни турли даврлар бўйича таққослаш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш; 5. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларни сотиб олиш, сотилиши, ижара ва узоқ муддатли лизинги муносабатлари бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг шаклланиш сабаблари ва уларни камайтириш йўлларини таҳлил қилиш; 6. Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобидаги асосий воситалар, асосий воситаларнинг эскириши, молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар, асосий воситаларни харид қилиш, молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши, асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда, оператив ижарага олинган асосий воситалар, молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар каби аналитик ва синтетик счётлардаги қолдиқларни ўзаро солиштириш ва улардаги тафовутлар сабабларини аниқлаш; 7. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарорига мувофиқ текширилаётган субъект бўйича аниқланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва субъектнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичларига асосий воситалар бўйича кўрсаткичларнинг таъсирини баҳолаш; 8. Хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида асосий воситаларни модернизация қилиш, сотиш ва сотиб олиш, тезкор амортизация ҳисоблаш орқали ҳисобдан чиқариш ёки асосий воситаларни бошқа мақсадларда ҳисобдан чиқариш режаларининг мавжудлиги ёки мавжуд асосий воситаларининг кредиторлик мажбуриятларини қоплаш учун сарфланиши ёки субъект фаолиятининг келгусида банкротлик (фаолиятни тўхтатиши) ҳолатларида асосий воситалардан фойдаланиш мақсадларининг мавжудлигини баҳолаш; 9. Хўжалик юритувчи субъектда асосий воситалар бўйича тузилган олди-сотди (ижара, лизинг, текинга берилиши) шартномалари, АВ1-АВ9 шакллар, юк хати, тўлов ҳужжатлари, инвентаризация маълумотлари, мемориал ордерлар, айланма қайдномалар, журнал-ордерлар, бош дафтар ва молиявий ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичларни ўзаро солиштириш ва улардаги фарқли тафовутлар сабабларини таҳлил қилиш; 10. Текширилаётган субъект молиявий ва статистик ҳисоботларидаги асосий воситалар бўйича кўрсаткичлар, асосий воситалар сотилиши, сотиб олиниши, текинга ёки ижарага берилиши бўйича мол етказиб берувчилар, харидорлар, ҳамкорлар, таъсисчилар, хўжалик юритувчи субъект филиаллари, ижарачилар ва бошқа ташқи субъект (учинчи шахс)лар маълумотларини ўзаро солиштириш ҳамда улардаги фарқли тафовутлар сабабларини баҳолаш; 11. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларидаги асосий воситалардан кўрилган молиявий натижаларнинг фавқулодда фойда (зарар) сифатида кўрсатилмаганлигини ўрганиш; 12. Текширилаётган субъект асосий воситалар бўйича бухгалтерия балансининг моддаларини ўзаро солиштириш ва улардаги жиддий ўзгаришлар сабабларини баҳолаш; 13. Молиявий ҳисобот шакллари ва молиявий ҳисоботга тушунтириш ва изоҳлардаги асосий воситалар бўйича моддаларни ўзаро солиштириш ва улардаги фарқли тафовутлар сабабларини таҳлил қилиш; 14. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятида асосий воситалар бўйича бахтсиз ҳодисалар натижасида кўрилган йўқотиш (зарар)ларнинг миқдорини аниқлаш ва уларнинг текширилаётган субъект молиявий натижаларига таъсирини баҳолаш; 15. Текширилаётган субъект молиявий ҳисоботидаги асосий воситалар бўйича фавқулодда зарарларнинг мавжудлигини аниқлаш ва уларнинг молиявий ҳисоботларда мажбурият сифатида тўлиқ очиб берилганлигини ўрганиш.	
4	Бажарилган амалларни таҳлил этиш
1. Бажарилган таҳлилий амаллар натижасида асосий воситалар бўйича аниқланган камчилик (тафовут)ларни пулда ифодалаш ва уларнинг текширилган субъект молиявий натижаларига таъсирини баҳолаш; 2. Бажарилган таҳлилий амаллар натижасида асосий воситалар бўйича аниқланган камчиликларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш; 3. Асосий воситалар бўйича бажарилган таҳлилий амалларнинг белгиланган муҳимлик ва аудиторлик риски даражасига таъсирини баҳолаш; 4. Аудиторлар томонидан тузилган муқобил баланс ва субъектнинг расмий балансидаги асосий воситалар кўрсаткичларини ўзаро солиштириш ҳамда аниқланган тафовутлар бўйича субъект масъул бухгалтер-ходимларидан тушунтиришлар олиш.	

Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

ёки аудиторлик ташкилоти раҳбарияти томонидан таҳлилий амалларни қўллаш бўйича пухта услубий кўрсатмалар ва ички стандартлар ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида текширувларда таҳлилий амаллардан етарлича ҳамда самарали равишда фойдаланилмаётганлиги кузатилди. Бизнингча, аудиторлар томонидан таҳлилий амаллар самарали қўлланилишини таъминлаш учун аудиторлик ташкилотларида таҳлилий амалларни қўллаш бўйича ички стандарт ишлаб чиқилиши ва бу стандартда юқоридаги каби таҳлилий амалларни қўллаш тартиби (кетма-кетлиги) амалий ёндашувлар асосида аниқ мазмунда баён этилиши зарур.

Аудиторлар томонидан таҳлилий амаллар самарали қўлланилишини таъминлаш учун аудиторлик ташкилотларида таҳлилий амалларни қўллаш бўйича ички стандарт ишлаб чиқилиши ва бу стандартда юқоридаги каби таҳлилий амалларни қўллаш тартиби (кетма-кетлиги) амалий ёндашувлар асосида аниқ мазмунда баён этилиши зарур.

Аудитда таҳлилий амалларнинг моҳиятини очиб бериш ва текширувларда таҳлилий амаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Биринчидан, ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг сифати ва самарадорлиги ҳамда текширилаётган молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилик даражаси баҳоланиши таҳлилий амалларнинг нечоғлик кенг қўлланилишига бевосита боғлиқдир. Таҳлилий амаллар аудиторлик далилларини олиш ва текширилган субъект раҳбариятига текширув натижаларини тезкор ва аниқ тарзда етказиб беришнинг энг самарали усули ҳисобланиб, халқаро аудиторлик амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Шу боис, таҳлилий амалларнинг республикамиз аудиторлик амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Изланишлар жараёнида бугунги кунда республикамиз аудиторлик амалиётида кўпинча оддий текширув усуллари, яъни тестлаш, анкета-саволномалар ўтказиш, инвентаризация ва ҳужжатларни ўзаро солиштириш каби усуллар кенг қўлланилиб келинаётганлиги кузатилди. Фикримизча, мазкур усулларни қўллаш аудитор учун осон ва содда бўлса-да, аммо бу усулларнинг натижалари етарли даражада ишончли бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кенг ривожланаётган ҳозирги шароитда кўпроқ молиявий таҳлил усуллари ҳамда эконометрик моделларга асосланган мураккаб таҳлилий амаллар қўлланилиши энг самарали бўлиб, юқори натижа беради.

3. Текширувларда текширилаётган субъект молиявий ҳисоботининг ишончлилиги юзасидан объектив аудиторлик фикрини шакллантиришда молиявий барқарорлик, молиявий мустақиллик, тўловга лаёқатлилик, рентабеллик каби молиявий кўрсаткичларни тўғри аниқлаш талаб этилади, бунга фақатгина таҳлилий амалларни самарали қўллаш орқали эришиш мумкин.

4. Текширувлар жараёнида таҳлилий амалларнинг самарали қўлланилиши аудиторнинг билими ва малакасигагина боғлиқ эмас. Фикримизча, бугунги кунда таҳлилий амалларни қўллашда автоматлашган дастурий таъминот турлари ва мукаммал мазмундаги аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларидан фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришиш мумкин.

ABSTRACTS

THE WAYS OF IMPROVING THE PROCESS OF APPLYING ANALYTICAL PROCEDURES IN AN AUDIT

This article discusses the current state of the application of analytical procedures and the problems of their application in audit practice in the Republic of Uzbekistan, and provides scientific and practical recommendations for improving the use of analytical procedures as a result of research.

МЕРЫ НАЛОГОВОЙ ПОДДЕРЖКИ БИЗНЕСА В ПЕРИОД КОРОНАВИРУСНОЙ ПАНДЕМИИ

Сергей Воронин,
д.э.н., главный специалист Института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве финансов Республики Узбекистан

ОБЩАЯ СИТУАЦИЯ С РАСПРОСТРАНЕНИЕМ КОРОНАВИРУСА В УЗБЕКИСТАНЕ

Распространение COVID-19 привело к ухудшению социально-экономической обстановки практически во всех странах мира. Узбекистан также ощущает на себе негативное влияние пандемии с марта текущего года. По состоянию на 1 августа т.г. число выявленных случаев достигло 24 783, что в 92,5 раза больше, чем это было на 1 апреля 2020 года. Количество выздоровевших на 1 августа составляет 15 299 чел. или – 61,7% от всех выявленных случаев. В мире этот показатель составляет сейчас 59,1%. Ежедневный прирост новых выявленных случаев в первые два месяца распространения COVID-19 не превышал 100 случаев. Однако после смягчения карантина (в мае т.г.), имеет место существенный рост числа выявленных случаев. Так, с 23 июня т.г. дневной прирост зарегистрированных случаев COVID-19 в республике составляет уже не менее 200, после 3 июля – более 300, после 25 июля – более 500, а по состоянию на 1 августа – 774 случая[1].

В последние дни июля появилась позитивная тенденция. Ежедневный прирост выздоровевших лиц стал превышать число новых выявленных случаев. Так, по состоянию на 29 июля число выздоровевших составило 743 случаев, а число новых случаев – 692, на 30 июля, соответственно, 784 и 686, на 31 июля – 835 и 738. Данная тенденция наблюдается несмотря на то, что в стране увеличивается количество лиц, сдавших тесты на коронавирус[2].

В соответствии с Приказом министра здравоохранения от 25 марта т.г. еще ряд медицинских учреждений был частично перепрофилирован для лечения пациентов с коронавирусом. Только в Ташкенте было создано 2833 резервных койко-места для госпитализации больных с COVID-19, в том числе в Научно-исследовательском институте вирусологии (200), НИИ эпидемиологии, микробиологии и инфекционных заболеваний (200), Ташкентской медицинской академии (1514), 1-й горбольнице (423), 4-й горбольнице (396) и 2-й детской инфекционной больнице (100).

Шу ўринда, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида «стандарт бандлик муносабатлари» деб тан олинган расмий, тўлиқ ва доимий иш ҳақи тўланадиган бандлик кўринишидаги одатий стандарт муносабатлар камайиб бораётганлигини айтиш лозим. Стандарт бандлик муносабатлари ҳуқуқларни тақсимлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий воситаси бўлиб, унинг камайиши норматив-ҳуқуқий тизимнинг ишлашида қийинчиликлар туғдиради ва меҳнат шароитлари, ҳуқуқлар ва афзалликлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Стандарт бандлик муносабатларидан фарқли равишда ностандарт бандлик шаклларининг тобора кенгайиб бориши, шу жумладан муддатли, рўйхатга олинмаган иш ва ўзини ўзи банд қилиш каби бандлик ходимларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва иш

Стандарт бандлик муносабатларидан фарқли равишда ностандарт бандлик шаклларининг тобора кенгайиб бориши, шу жумладан муддатли, рўйхатга олинмаган иш ва ўзини ўзи банд қилиш каби бандлик ходимларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ва иш берувчининг мажбуриятлари билан қамраб олинмаслигида кўринади.


ЎзА фотоси.

берувчининг мажбуриятлари билан қамраб олинмаслигида кўринади[1].

Кўпгина мамлакатларда ностандарт бандлик муносабатларида бўлган ходимларга меҳнат ҳуқуқлари аста-секин тарқалаётган бўлса-да, бу кўпинча «ўзини ўзи банд қилганлар» орасида кўп учрамайди ва улар асосан меҳнат соҳасидаги стандарт ва нормалар доирасидан ташқаридаги гуруҳ сифатида кўриб чиқилади[2]. Бунинг сабаби, улар ўзларини мижозлари билан меҳнат муносабатлари асосида эмас, балки, аксинча, шартнома ёки фуқаролик шартномаси асосида хизматлар кўрсатиш ёхуд ўз меҳнатларини етказиб берувчи сифатида кўрадилар.

Италиялик олим А. Перуллининг фикрича, тадбиркорлик фаолиятини ўзини ўзи банд қилганлардан ажратиб турадиган асосий мезон бу уларнинг меҳнатни ташкил этиш усули ва ишлаб чиқариш воситаларидир[3]. Агар иқтисодий фаолият ташкилий жиҳатдан асоссиз ривожланса, бу тадбиркорлик-

Кўпгина мамлакатларда ностандарт бандлик муносабатларида бўлган ходимларга меҳнат ҳуқуқлари аста-секин тарқалаётган бўлса-да, бу кўпинча «ўзини ўзи банд қилганлар» орасида кўп учрамайди ва улар асосан меҳнат соҳасидаги стандарт ва нормалар доирасидан ташқаридаги гуруҳ сифатида кўриб чиқилади.

[1] *Hatfield, I. Self-employment in Europe. London: Institute for Public Policy Research. 2015.*

[2] *ILO, 2016. Non-standard employment around the world: Understanding challenges, shaping prospects. Geneva: International Labour Office.*

[3] *Perulli A. Economically Dependent/Quasi-subordinate (Parasubordinate) Employment: Legal, Social and Economic Aspects. Brussels: European Commission. 2003.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ 13,2 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этди, дея хабар беради Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий веб-сайти.

ЎзА фотоси.

Жорий йилнинг июнь ойида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари асосида ишлаб чиқилган методика бўйича республиканинг 101 та шаҳар ва туманларида навбатдаги ижтимоий сўров ўтказилди. Унда 490та фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжаликлари ҳамда 25,9 минг нафар фуқаро қамраб олинди.

COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари

(Давоми 46-бетда).

(Давоми. Боши 45-бетда).

меҳнат бозорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари республикада ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 13,2 фоизини ташкил этганлигини кўрсатди.

Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга тенг бўлган. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1 944,0 минг кишини ташкил этади (16-30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси – 20,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса 17,4 фоиз).

Меҳнат ресурслари сони 19 084,6 минг кишини ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайган бўлса, COVID-19 пандемиясининг иқтисодиёт субъектлари фаолиятига салбий таъсири натижасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоизга ёки 671 минг кишига камайиб, 12 736,7 минг кишини ташкил қилди.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг расмий секторда банд бўлган аҳоли сони 5 581,2 кишини ташкил қилиб, ўтган йил шу даврга нисбатан 0,2 фоизга ёки 12,4 минг кишига камайди.

Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган айрим чеклов чоралари эмас, балки ўзини ўзи банд қилишни англатади. Шубҳасиз, бу ерда бандликнинг ихтиёрийлиги ва мажбурийлиги, яъни, бошқача айтганда, тадбиркорнинг мотивацияси муаммоси пайдо бўлади. Ташқи кўринишдан, ихтиёрий равишда ўзини ўзи банд қилганлар мажбурий равишда ўзини ўзи банд қилганларга нисбатан кўпроқ тадбиркор туюлиши мумкин. Биринчиси, одатда, бошқаларга суяна олмайди ва мустақил бўлиб, бизнесга чуқур кириб боради. Бундай вазиятда, айниқса, рақобатбардош бозорда омон қолишни истаганлар учун тадбиркорлик кўникмаларининг мавжудлиги зарурат ҳисобланади – бироқ мажбур бўлган ҳолда ўзини ўзи банд қилганларда эса бу кўникма кўпинча етишмайди.

Қисқача қилиб айтганда, бу мунозара барчанинг стандарт ишлашини таъминлаш эмас, балки ҳамманинг муносиб ишлаши ҳақидадир. Гап самарали ва адолатли даромад келтирадиган муносиб меҳнат билан бандлик, иш жойларида хавфсизлик ва оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, шахсий ривожланиш ва ижтимоий интеграциянинг янада яхши истиқболлари, одамларнинг ўз муаммоларини билдириш эркинлиги, ҳаётларига таъсир қиладиган қарорларни қабул қилишда иштирок этиш ҳамда барча аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш ҳақидадир.

«Стандарт меҳнат муносабатлари» одатда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги тўлиқ банд бўлган, очиқ ва тўғридан-тўғри бўйсунадиган ва икки томонлама меҳнат муносабатларига асосланган меҳнат муносабатлари ҳисобланади.

Бандликнинг ностандарт шакллари тўртта муқобил тоифани ўз ичига олади, хусусан:

1. Вақтинча бандлик: лойиҳа ёки вазифа асосидаги шартномалар, шу жумладан лойиҳавий ёки топшириққа асосланган шартномалар; мавсумий иш; кундалик ишни ўз ичига олган тасодифий иш;

2. Қисман ва чақирув бўйича иш: тўлиқ иш кунига тенг бўлган иш соатига қараганда камроқ нормал иш вақти, шу жумладан ноль соатлик шартномалар;

Ўзини ўзи банд қилганликка қаратилган замонавий эмпирик тадқиқотларда у бизнесга эга бўлиш ва тадбиркорликни ўз ҳисобидан ва ўз хавфлари остида ишлайдиган одамларни аниқлаш учун синоним сифатида ишлатилади. Ўзини ўзи банд қилганликнинг бундай таърифи унинг жуда турлича талқин қилинишига олиб келади ва бу унинг динамикасини, вақт оралиғи ва мамлакатлар ўртасидаги маълумотларни кузатиш ва таққослашда қийинчиликлар туғдиради.

3. Вақтинчалик агентлик ва субпудратли ишларни қамраб оладиган «тарқатиш», «воситачилик» ва «ёлланма меҳнат» деб номланувчи кўп томонлама меҳнат муносабатлари;

4. «Боғлиқ», «сохта» ёки «нотўғри таснифланган» деб номланувчи ниқобланган ўзини ўзи банд қилиш.

Ностандарт бандликнинг пайдо бўлиши бирмунча муаммоли ҳисобланади, чунки иш шароитлари ва ҳуқуқлар шартли равишда стандарт бандликка асосланган бўлиб, стандарт бандлик одатда ишчиларни меҳнат бозорида юқори даражадаги хавфсизлик, ижтимоий имтиёзлар (яъни ижтимоий ҳимоя, ишсизлик нафақалари) ва ҳуқуқлар билан таъминлайди. Ностандарт бандлар шартноманинг мавжудлиги ёки давомийлиги, иш вақти ёки иш берувчининг тури бўйича одатдагидан камроқ ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлишади. Шундай қилиб, ностандарт бандлик ишчилар, фирмалар, меҳнат бозори ва жамият учун маълум бир хавфлар туғдиради.

Ўзини ўзи банд қилганликка қаратилган замонавий эмпирик тадқиқотларда у бизнесга эга бўлиш ва тадбиркорликни ўз ҳисобидан ва ўз хавфлари остида ишлайдиган одамларни аниқлаш учун синоним сифатида ишлатилади. Ўзини ўзи банд қилганликнинг бундай таърифи унинг жуда турлича талқин қилинишига ва бу эса унинг динамикасини, вақт оралиғи ва мамлакатлар ўртасидаги маълумотларни кузатиш ва таққослашда қийинчиликлар туғдиради[4].

ХМТнинг маълумотига кўра, 2018 йилда дунёда жами бандликда ўзини ўзи банд қилганлар улуши 42,5 фоизни, жумладан[5]:

- паст даромадли мамлакатларда – 81,9 фоиз;
- ўрта даромадли мамлакатларда – 47,9 фоиз;
- юқори даромадли мамлакатларда – 12,4 фоизни ташкил қилган.

ЎзА фотоси.

[4] *Toivanen S., Mellner, C., Vinberg, S. Self-employed persons in Sweden – mortality differentials by industrial sector and enterprise legal form: a five-year follow-up study, American journal of industrial medicine. 2014. – P. 21–32.*

[5] *https://www.statista.com/chart/18908/self-employed-workers-by-country/.*

тадбирлари сабабли якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 167,5 минг (46,4 фоиз)га камайиб кетганлиги ҳисобига юзага келган бўлса, 131,2 минг ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳисобига расмий бандлар сони кескин камайишининг олди олинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, республикадан ташқарига хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетганлар сони 2 040 минг кишини ташкил этган, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 553,2 минг, 2020 йилнинг 1-чораги якунига нисбатан эса 232,1 минг кишига камдир.

Норасмий секторда банд бўлганлар сони (хорижда ишлаётган меҳнат мигрантларини ҳисобга олмаганда) ўтган йилга нисбатан 2,1 фоизга ёки 105,3 мингга камайиб, 5 114,6 минг кишини ташкил этмоқда. Бунда асосан вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар (108,4 мингга камайган), меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчилар (87,6 минг), рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар (110,6 минг) сони камайди.

(Давоми 48-бетда).

(Давоми. Боши 45-47-бетларда).

Шу билан бирга, карантин чора-тадбирлари даврида уйда ўтирган фуқаролар сони ошганлиги ҳамда фуқароларнинг шахсий томорқаларни ривожлантириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан субсидиялар бериш дастури ҳажми кескин ортганлиги учун деҳқон ва шахсий томорқаларда банд бўлганлар сони 201,1 мингга ортган.

Тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши норасмий секторда бандлар улушини камайтириш имкониятини бермоқда.

Республикада иқтисодий нофаол аҳоли сони 2019 йил мос даврига нисбатан 4,5 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткич ўтказилган тадқиқот давомида тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари карантин чора-тадбирлари даврида вақтинчалик ўз фаолиятларини тўхтатиб туришларини ва чекловлардан сўнг қайта тиклаш ниятини билдириб, бошқа фаолият билан шуғулланмасликни афзал кўраётганлиги сабабли ошганлигини кўрсатди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида, айниқса COVID-19 пандемиясининг меҳнат бозорига

Жумладан, ўзини ўзи банд қилганлар улуши Ҳиндистонда – 76,3 фоиз, Вьетнамда – 56,1 фоиз, Покистонда – 56,9 фоиз, Малайзияда – 25,3 фоиз, Польшада – 20,1 фоиз, Қозоғистонда – 24,6 фоиз, Германияда – 9,8 фоиз, АҚШда – 6,2 фоизни ташкил қилиб, бу рақамлар унинг даражаси аҳоли даромадларига бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Европа Иттифоқи даражасида ўзини ўзи банд қилганликни аниқлаш ва тушунишдаги барча миллий тафовутларга қарамай, ўзини ўзи банд қилганликнинг жиҳатлари қуйидагича аниқланади[6]:

- Ўз капитал қўйилмалари;
- Меҳнат бозорида автономия;
- Ўз ишига жавобгарлик ва назорат;
- Ходимнинг мавжуд бўлиши.

Ушбу тўрт мезонга асосланиб, ўзини ўзи банд қилганларнинг бешта асосий тоифасини ажратиш мумкин:

1. Тадбиркорлар – улар ўз бизнесларини ўз ходимларининг ёрдами билан бошқарадилар.

2. Анъанавий фрилансерлар – улар маълум талаблар, қоидаларга, яъни касбнинг мажбурий қоидалари ва кўпинча имтиҳон топшириш учун давлат рўйхатига олиниш ва ўз фаолиятини мустақил равишда ёки чекланган ходимлар ёки бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда амалга ошириш каби хусусиятлар билан фарқланиши керак.

3. Ҳунармандлар, савдогарлар ва фермерлар ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг анъанавий шакллари бўлиб, унда ўзини ўзи банд қилганлар оила аъзоларига ёрдам беради ва кам сонли ходимларга эга бўлиши мумкин.

4. Малакали, аммо тартибга солинмайдиган касбларда ўзини ўзи банд қилганлар.

5. Кам малакани талаб қиладиган касбларда ўзини ўзи банд қилганлар – улар ходимларнинг ёрдамисиз бизнес қилишади, лекин баъзида оила аъзолари уларга ёрдам беришади.

[6] *Eurofound 2010. European Foundation for the Improvement of Living and Working Conditions Self-employed workers: industrial relations and working conditions, European Commission.*

Одатда, ўзини ўзи банд қилиш бизнес, касбий амалиёт ёки қишлоқ хўжалигини бошқариш билан боғлиқ бўлса-да, тадбиркорлик одамларнинг ўз хавфлари ва янгиликларини қабул қилишга асосланган бўлиб, улар иқтисодиётга фаол ва ижобий таъсир кўрсатадилар.

Иш билан бандликдаги мақом нуқтаи назаридан касаначилар, қуйида келтирилган 1-жадвалда кўрсатилганидек, тўлиқ мустақил бўлиш ва тўлиқ қарамлик ўртасидаги оралиқ доирасида бўладилар.

Ўзини ўзи банд қилганларни меҳнат бозорида мувозанат ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим бир воситаси сифатида кўриш мумкин. Умум қабул қилинган фикр шуни кўрсатадики, ишсизлик бўйича нафақаларнинг кўпайиши умумий ишсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин – ходимлардан яхшироқ иш таклифлари ёки ишсизликдан чиқишга тўланадиган ёки ўзини ўзи банд қилиш учун яхшироқ ғоялар талаб қилинади.

Ўзини ўзи банд қилиш кенг маъноли категория бўлиб, уни аниқлаш кўп мезонлар асосида амалга оширилади. Унда ишдаги ходимлар сони, уй хўжалигининг бир ёки кўп сонли аъзолари иштироки, ишчи кучининг ёлланганлигини расмийлаштириш даражаси, ҳуқуқий мақоми, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг қиймати ва олинган даромад миқдори (пул ёки тўғридан-тўғри истеъмолга кетадиган маҳсулот) ҳамда ишга сарфланадиган вақт ҳисобга олинади.

Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда ўзини ўзи банд қилганлар аҳолига кенг хизмат турларини, 400дан ортиқ фаолият (ишбилармонлик, ижтимоий, риэлтор, воситачилик, консультатив хизматлар, реклама, чакана савдо ва бошқалар) кўрсатадилар[7] ва Ўзбекистонда ушбу фаолият турларида ўзини ўзи банд қилишнинг имкониятлари ҳали анча кенгдир.

Ўзини ўзи банд қилиш қийинроқ хусусиятга эга, яъни кўпроқ эркинлик, ташаббускорлик ва масъулиятни талаб қилади. Ёлланган ходимлар эса

1-жадвал

Ўзини ўзи банд қилган, касаначи ва ходимлар хусусиятлари

Хусусиятлари	Ўзини ўзи банд қилганлар	Касаначилар	Ходимлар
Шартнома	Сотув учун шартнома	Меҳнат шартномаси	Меҳнат шартномаси
Мукофот	Товар/ хизматларни сотишдан	Иш учун (одатда, ишбай)	Иш учун (вақт ёки ишбай)
Шартнома билан	Ўзи	Иш берувчи/ воситачи	Иш берувчи
Ишлаб чиқариш воситалари	Ўзи таъминлайди	Ўзи таъминлайди	Иш берувчи таъминлайди
Иш жойи	Ўзи таъминлайди	Ўзи таъминлайди	Иш берувчи таъминлайди
Назорат	Автоном	Билвосита ёки назорат қилинмайди	Бевосита назорат

Манба: *ILO and WIEGO 2003.*

[7] *Крылова Е.Г. Особенности экономического регулирования предпринимательской деятельности самозанятых в России и за рубежом, «Юрист», 2017. №6.*

> салбий таъсирини юмшатиш мақсадида меҳнат органлари томонидан 588,2 минг (30 ёшгача бўлганлар 159,9 минг ва аёллар 229,4 минг) ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатилди.
>
> Хусусан, 501,1 минг нафарининг бандлиги доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ва жамоат ишларига жалб қилиш орқали таъминланди, 15,0 минг нафар ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилди, 27,0 минг нафар ишсиз шахсларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 10,1 млрд. сўм ишсизлик нафақаси тўлаб берилди.
>
> Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига 24,8 минг нафар фуқаро шахсий томорқаларида, 15 минг нафар фуқаро қишлоқ хўжалиги, тикувчилик ва ҳунармандчилик кооперативларида аъзо сифатида бириктирилиб, банд қилинди, 3 минг нафар фуқаро тадбиркорликка жалб этилди, 256 та иш берувчига меҳнат органлари йўлланмаси билан ишга олинган 2,3 минг нафар ишсизларнинг касбий малакасини оширганлиги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ишга олганлиги учун моддий кўмак ажратилди.
>
> ***Манба:*** *https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/8249-zbekistonda-ishsizlik-darazhasi-13-2-foizni-tashkil-etdi*

2-жадвал

Аҳолининг ялпи даромадлари таркиби, фоизда

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Ялпи даромадлар – жами	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
бирламчи даромадлар	83,1	84,0	79,1	76,1	74,7
ишлаб чиқаришдан даромад	80,8	80,9	75,8	73,0	71,2
меҳнат фаолиятидан даромад	78,7	79,0	73,7	71,0	69,1
ёлланма ходимлар даромади	31,9	30,6	27,6	26,4	27,1
ўзини ўзи иш билан банд қилишдан даромад	46,8	48,4	46,1	44,5	42,0
ўз мулкидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган хизматдан даромад	2,0	2,0	2,0	2,0	2,1
мулк даромади	2,3	3,1	3,4	3,1	3,5
умумий ялпи даромад ҳажмидан, тадбиркорликдан даромадлар	63,1	64,8	63,3	61,9	59,5

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.*

меҳнат қонунчилигининг тўлиқ ҳимоясидан, яъни энг кам иш ҳақи, иш вақти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ишдан бўшатилиш ҳолатида ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қоидалардан фойдаланадилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига меҳнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш, уларнинг қонуний меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид бир қанча Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сонли қарорида 67та фаолият (ишлар, хизматлар) турлари бўйича ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги, уларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида махсус мобиль илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилиши ҳамда бир йил учун ижтимоий солиқ ҳажми базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи миқдорида бўлиши белгиланган.

ЎзА фотоси.

Шуни айтиш лозимки, Ўзбекистонда 2019 йилда ўзини ўзи банд қилишдан даромад – 42,0 фоизни, ёлланма ходимлар даромади – 27,1 фоизни, трансфертлар – 25,3 фоизни ташкил қилганлиги аҳолининг ялпи даромадларида ўзини ўзи банд қилишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади (2-жадвал).

Ижтимоий ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан фарқланиш ҳар бир мамлакатда турлича бўлиб, бу «ижтимоий узилиш» деб номланади[8] ҳамда ушбу тафовутнинг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар бўйича маълумотларини 3-жадвалда кўриш мумкин.

Масалан, Нидерландияда ўзини ўзи банд қилганлар касаллик ёки меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатларида имтиёзларга ҳамда ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга

[8] *Jorens Y. et al. Self-employment and bogus self-employment in the European construction industry: A comparative study of 11 Member States. European Social partners for the Construction Industry (EFBWW and FIEC), European Commission. 2009.*

эмаслар. Бельгияда эса Францияда бўлгани каби ўзини ўзи банд қилганлар учун ишсизлик суғуртаси тизими мавжуд эмас. Испанияда ишсизлик ҳолатида улар ишдан ташқари нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар, фақат суғурта қопламасини танлашлари лозим бўлади. Германияда ўзини ўзи банд қилганлар учун ишсизлик суғуртаси ҳам ихтиёрий бўлиб, манфаатдор одамлар учун бу ҳимояга эга бўлишларига мажбурлаш тартиби йўқ.

Ўзини ўзи банд қилганларнинг нима сабабдан норасмийликда ишлаётганликлари бўйича Россияда «Research Me» компанияси томонидан 2017 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, уларнинг 39 фози давлатдан ҳеч нарса кутмайдилар ва шунга мос равишда бирон-бир тўловлар қилиш керак эмас деб, 32 фоизи солиқ тўлаш барчанинг фуқаролик бурчидир деб ва 29 фоизи агар улар мустақил равишда ўзларининг ижтимоий таъминоти билан шуғулланаётган бўлсалар, у ҳолда тўловни амалга ошириш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар[9].

ХМТ таъкидлаганидек, соф ўзини ўзи банд қилган ва тўла боғлиқ, қарам ходимлар ўртасидаги ораликда бўлган иш тоифаларига қуйидагилар киради:

а) яширин бандлик муносабатлари, яъни иш берувчи шахсга ходим сифатида мурожаат қилмайди ва бу ҳолат унинг ходим сифатидаги ҳақиқий ҳуқуқий мақомини яширади;

б) «боғлиқ, қарам бўлган ўзини ўзи банд қилиш», бунда ходимлар меҳнат шартномасидан фарқли равишда шартнома асосида бизнесга хизмат кўрсатадилар, аммо ўзларининг даромадларини олиш учун бир ёки бир нечта мижозга боғлиқ бўладилар ва ишнинг қандай бажарилиши бўйича тўғридан-тўғри кўрсатмалар олишади.

Ушбу «кулранг ҳудуд»нинг ўсишига асосий сабаб, иш берувчилар учун ёлланма ходимларга нисбатан ишларни бажариш мақсадида ўзини ўзи банд қилганларни жалб қилишнинг арзонлигидир. Масалан, Буюк Британияда ушбу ҳақиқий қийматдаги фарқ 35 фоиздан 50 фоизгача бўлиши баҳоланган[10].

Ўзбекистонда 2019 йилда ўзини ўзи банд қилишдан даромад – 42,0 фоизни, ёлланма ходимлар даромади – 27,1 фоизни, трансфертлар – 25,3 фоизни ташкил қилганлиги аҳолининг ялпи даромадларида ўзини ўзи банд қилишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

[9] *Скруг В.С. Регулирование процесса легализации налогообложения доходов самозанятых граждан в Российской Федерации на современном этапе. Экономика труда. 2019. Том 6, №1. – Январь-март.*

[10] *Jorens Y. Self-employment and Bogus Self-employment in the European Construction Industry, Country Report: The Netherlands. Report prepared for the European Federation of Building and Woodworkers and FIEC. 2010.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР 200 МИНГДАН ОШДИ

Аввал хабар қилинганидек, ўзини ўзи иш билан таъминлашни истовчилар учун иш стажи ва пенсия ҳисобланиши мумкин бўлган қонуний бандликнинг янги мақоми – «ўзини ўзи банд қилган шахс» жорий этилди.

1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар учун солиқ органларига ташриф буюрмасдан рўйхатдан ўтишнинг соддалаштирилган тартиби татбиқ этилди. Бунинг учун, SOLIQ мобил иловасини юклаб олиб, унинг «Ўзини ўзи банд қилиш» бўлимидан фойдаланишнинг ўзи кифоя, дея қайд этилади ДСҚ Матбуот хизмати хабарларида.

Масофадан туриб рўйхатдан ўтиш имконияти ДСҚ солиқ хизматлари портали – my.soliq.uz да ҳам мавжуд.

2020 йил 30 июль ҳолатига ўзини ўзи банд қилганларнинг умумий сони 201 283 нафарни ташкил

(Давоми 52-бетда).

(Давоми.
Боши 51-бетда).

этди. Ҳудудлар кесимида етакчи учлик – Самарқанд, Наманган ва Бухоро вилоятларидир.

Ўзини ўзи банд қилганлар учун мавжуд бўлган 67 турдаги фаолиятдан **Ахборот коммуникация йўналиши бўйича хизматлар** (ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва вебсайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш) – 2 995 нафар шахс ўзини ўзи банд қилган.

Энг оммабоп – **Маиший хизматлар** (сартарошлик, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиш ва дазмоллаш, калитлар тайёрлаш, пойабзал тикиш, таъмирлаш ва бўяш хизматлари). Мазкур йўналишда 54 932 нафар аҳоли банд.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар (чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда томорқа эгаларига ёрдам бериш) соҳасида эса 42 947 нафар шахс ўзини ўзи банд қилган;

Саноат йўналиши бўйича хизматлар (ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаж ишлари, макулатура, пластик идиш, темир-терсак тўплаш ва қўшимча хомашё тўплаш) билан 34 768 нафар шахс шуғулланмоқда;

3-жадвал

Европа Иттифоқи мамлакатларида ўзини ўзи банд қилганлар учун ижтимоий нафақа ҳуқуқлари, 2015 йил

	Ишсизлик нафақаси	Касаллик нафақаси	Пенсия
Греция	ҳа	йўқ	ҳа
Италия	йўқ	йўқ	ҳа
Руминия	ихтиёрий	ҳа	ҳа
Польша	ҳа	ихтиёрий	ҳа
Португалия	ҳа	ҳа	ҳа
Чехия	ҳа	ихтиёрий	ҳа
Испания	ихтиёрий	йўқ	ҳа
Ирландия	йўқ	йўқ	ҳа
Кипр	йўқ	ҳа	ҳа
Нидерландия	йўқ	ҳа	ҳа
Словакия	ҳа	ҳа	ҳа
Буюк Британия	йўқ	ҳа	ҳа (фақат базавий пенсия)
Хорватия	ҳа	ҳа	ҳа
Мальта	ҳа	йўқ	ҳа
Бельгия	йўқ	ҳа	ҳа
Финляндия	ихтиёрий	ҳа	ҳа
Словения	ҳа	ҳа	ҳа
Болгария	йўқ	ихтиёрий	ҳа
Австрия	ихтиёрий	ҳа	ҳа
Франция	йўқ	ҳа	ҳа
Литва	йўқ	ихтиёрий	ҳа (агар даромад иш ҳақи сифатида рўйхатга олинса)
Латвия	ихтиёрий	ҳа	ҳа
Венгрия	ҳа	ҳа	ҳа
Германия	ихтиёрий	ҳа (фақат баъзи тоифаларга)	ҳа
Швеция	ихтиёрий	ҳа	ҳа
Дания	ихтиёрий	ҳа	ҳа
Эстония	йўқ	ҳа	ҳа
Люксембург	ҳа	ҳа	ҳа

Манба: *муаллиф томонидан тайёрланган.*

4-жадвал

Ўзини ўзи банд қилиш сабаблари, фоиз

Сабаб	Жами	эркак	аёл
Мустақил бўлиш / ўзгартириш	30,2	32,3	24,9
Кўпроқ пул ишлаш	12,7	14,5	8,0
Яхшироқ иш шароитлари учун	5,4	6,0	4,0
Оила мажбуриятлари / уйда ишлаш хоҳиши	7,7	2,2	21,5
Имконият пайдо бўлди – маблағ, шароит ва ҳоказо	12,5	12,7	12,1
Талабни кўрди / бозор	8,8	8,8	8,6
Оилавий бизнесга қўшилди	6,9	6,6	7,6
Касб хусусияти	21,5	21,1	22,5
Маъқул ишнинг йўқлиги (маҳаллий жойда)	3,4	3,7	2,4
Ортиқча бўлиб қолиш	9,3	11,6	3,6
Бошқа сабаблар	14,6	13,8	16,6
Сабаб кўрсатилмаган	3,4	3,7	2,5
Сони	17 507	12 582	4 925

Манба: *муаллиф томонидан тайёрланган.*

Ушбу кам харажатлар иш берувчиларни аутсорсинг ва субпудрат шартномалари орқали кўпроқ ўзини ўзи банд қилганларни ёллашга рағбатлантиради.

Дарҳақиқат, амалда ходимлар ишдан бўшаб, кейин эса худди шу ишларни бажариш учун ўзини ўзи банд қилганлар сифатида қабул қилинади ва бу – ёллаш нархи энг кам иш ҳақи ёки иш ҳақини белгилашнинг бошқа усуллари ва коллектив шартномалар билан боғлиқ бўлмайди. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилганларни ишга ёллашда ижтимоий суғурта бадаллари тўланмайди, қонун эса иш берувчиларга ходимлар ишдан бўшатилган тақдирда уларга иш стажига асосланган юқори иш ҳақи, таътил тўловлари ва ходим касал бўлса ва меҳнатга лаёқатсиз бўлса ҳам компенсация тўлашни ва кўплаб қиммат турувчи стандартларга риоя қилиш мажбуриятини юклайди. Боғлиқ, қарам бўлган ўзини ўзи банд қилиш коллектив шартномалар, меҳнат қонунлари, иш ҳақи солиғи ва иш берувчиларнинг бошқа, яъни стандарт меҳнат шартномасида белгиланган мажбуриятларини четлаб ўтади[11].

Масалан, Буюк Британияда ҳар чоракда уй хўжаликларида ўртача 138 минг иқтисодий фаол бўлган фуқаролар ўртасида меҳнат бозорига тегишли ишчи кучига оид сўров ўтказилади. Ушбу сўровда қатнашган 147,7 минг иқтисодий фаол бўлган фуқаролардан 17,5 минг киши (11,9%) ўзини ўзи банд қилганларини ва нима сабабдан улар ёлланма иш билан эмас, балки ўзини ўзи банд қилган, деган саволга жавобни 4-жадвалда кўриш мумкин[12].

Унга кўра, ўзини ўзи банд қилганлар бундай йўл тутганларининг асосий сабаби номоддий омилларга боғлиқлиги, «мустақил» бўлиш истаги энг кўп ифодаланганлиги, кейинги ўринда эса «касб хусусияти» туриши маълум бўлади. Бошқа

ЎзА фотоси.

[11] *Thörnqvist A. False Self-employment: A Topical but Old Labour Market Problem. In A. Thörnquist and Å-K. Engstrand, Precarious employment in perspective: Old and new challenges to working conditions in Sweden. Brussels: Peter Lang. 2011.*

[12] *Dawson Ch., Henley A., Latreille P. Why Do Individuals Choose Self-Employment? IZA DP No. 3974. January 2009.*

Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар (уйда репетиторлик қилиш, болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, хоналарни тозалаш, халқ табобати) соҳасини 33 837 нафар шахс маъқул топган;

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда (нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш) 31 788 нафар фуқаро рўйхатдан ўтди;

Ўзини ўзи банд қилишнинг афзалликлари ҳақида эслатиб ўтамиз:

- *меҳнат фаолияти натижасида олган даромадларингиз жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди;*
- *бир йилда бир марта ижтимоий солиқ тўлаш кифоя (2020 йил учун энг камида 111 500 сўм);*
- *ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.*

Манба: *https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-economy-uz/8234-zbekistonda-zini-zi-band-ilganlar-200-mingdan-oshdi.*

мотивацион омиллар сифатида 12,7 фоизи кўпроқ пул ишлаш, 8,8 фоизи бозорда товар ва маҳсулотларга бўлган «талабни кўрди» ва уни қондириш учун ўзларида салоҳият бўлиши кераклигини ҳис қиганлар. Ушбу вариантнинг хусусияти респондентларнинг диққатини ишсизликка ягона муқобил бўлган чора сифатида ўзини ўзи банд қилишга мажбур бўлишганидир. Фақат 3,4 фоиз одам жойларда маъқул ишнинг йўқлиги туфайли ўзини ўзи банд қилганликларини кўрсатган.

Замонавий иқтисодиётда ўзини ўзи банд қилиш нафақат меҳнат бозорида ишсизликни камайтириш воситаси, балки шу билан бирга аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишнинг бир усули ва ёлланма меҳнатдан тадбиркорликка ўтиш шакли бўлиб, ўрта синфни шакллантириш учун асос ҳисобланади.

Фикримизча, ўзини ўзи банд қилишнинг ёлланма ходимга нисбатан афзалликлари сабабини қуйида кўриш мумкин:

- ўзига раҳбар бўлиш ва ўз иш фаолиятини тўлиқ назорат қилиш ва якуний маҳсулот учун ўз овозига эга бўлиш;
- кўпроқ даромад олиш имкониятига эга бўлиш, фрилансерлар ёлланиб ишлайдиганларга нисбатан кўпроқ пул топадилар ва йўл харажатларини тежаган ҳолда уйда ўтирган ҳолда бола парвариши билан ҳам шуғулланиш имкониятига эгалар;
- ишнинг турли-туманлигидан баҳраманд бўлиш, доимий ишга мослашиш, ўз маҳоратини ошириш ва янгилаш, ҳар бир янги мижоз билан янги чақириқ, даъват туфайли ижодкор бўлиш ва натижада бизнеснинг ўсишига эришиш;
- ўзи учун кун тартибини ўрнатиш, белгиланган иш жадвалининг мавжуд эмаслиги ва иш соатларининг мослашувчанлиги;
- ўз мижозларини танлаши ва кимга хизмат кўрсатиш ҳуқуқига тўлиқ эгалик қилиши.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ривожланаётган мамлакатларда ўзини ўзи банд қилганлар таркибига якка тартибда – индивидуал асосда ишлайдиган шахслар ва улар билан ишлайдиган оилалар киради. Уларга ёлланмаган ва бошқаларни ёлламайдиган, шунингдек, оилага ёрдам берувчи – ушбу уй хўжалигида яшовчи ва якка тартибда – индивидуал ҳолда меҳнат фаолиятини олиб борувчи ва бозорга йўналтирилган товар/хизмат ишлаб чиқарувчи ходимлар ҳам киради.

Турли мамлакатлар ҳукуматлари кўпинча ўзини ўзи банд қилишга камбағалликни камайтириш ва тенг бўлмаган имкониятларга қарши кураш усули сифатида қарайдилар ҳамда шундан келиб чиқиб, улар кичик бизнесга ҳар хил ёрдам беришни таклиф қилишади. Натижада кўп сонли фирмаларнинг пайдо бўлиши рақобатнинг кучайиши ва ихтиро, инновацияларга олиб келиши ҳамда истеъмолчилар фойдасига ва янги иш ўринларининг кўпайишига туртки бўлиши кутилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, меҳнат бозорида фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилишини кенгайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Бандликка кўмаклашиши марказларида Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши мақсадида тадбиркорлик асослари, мамлакатда


ЎзА фотоси.

ЎзА фотоси.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган шароитлар, мавжуд имтиёзлар ва банкдан кредит олиш тартиби ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш бўйича нафақат ўқув курсларини ташкил қилиш, балки уларга амалий ёрдам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

2. Етакчи хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ўзини ўзи банд қилиб, рўйхатдан ўтган, тегишли солиқ ва тўловларни амалга оширган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча тўлов ҳисобига меҳнат қонунчилиги асосида уларга турли ижтимоий нафақа ҳуқуқларини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш.

3. Жаҳонда рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, янги технологиялар, шу жумладан АКТнинг ривожланиши ўзини ўзи банд қилганларнинг ижодий ва инновацион соҳаларда хизмат кўрсатишининг ошишига (айниқса, қишлоқ жойларида муҳим) ва шу сабабли Бандликка кўмаклашиш марказларида ишсизларни бепул АКТдан фойдаланиш ва уларни меҳнат бозорида жадал ўзгараётган зарур касбларга ўқитишни ташкил қилиш.

4. Ўзбекистонда демографик ўсишнинг кескинлиги ва унинг меҳнат бозорига тобора катта босим кўрсатиши ёшларнинг иш билан бандлиги масаласини борган сари долзарб қилиб қўймоқда. Шу сабабли мамлакатда ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган ёшларга (30 ёшга қадар), айниқса, аёлларга ўз ишларини очиши, стартап лойиҳалари учун зарур молиявий маблағларни банк томонидан гаровсиз ва Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган ҳолда тақдим этиш ва бошқа имтиёзлар билан қўллаб-қувватлаш масаласини кўриб чиқиш муҳим. Хорижий тажрибага мувофиқ, давлатнинг бу ёрдами аксарият ҳолларда ўзини ўзи банд қилганларнинг хусусий тадбиркорликка ва кейин эса кичик ва ўрта бизнесга ўтишларига катта имконият яратиб, иқтисодий ўсиш ва ўрта синфнинг шаклланишига омил бўлади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, давлат томонидан ўзини ўзи банд қилишни рағбатлантириш ишсизлик даражаси ва камбағалликни камайтиришда ижобий натижа беради, шу билан бирга, ўзини ўзи банд қилиш орқали тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга туртки бўлиб хизмат қилади ва иқтисодий ўсишга замин яратади.

ABSTRACTS

SELF-EMPLOYMENT AS AN ELEMENT OF MANAGING THE EMPLOYMENT OF LABOR RESOURCES

Self-employment is one of the key elements for the restructuring of the labor market and the economic stability. The article emphasizes that self-employment is the driving force of the economy, a factor that solves the problem of unemployment among those in need of social protection in the labor market. The analysis has shown that self-employment is influenced by two groups of factors: "push" (self-employment as an escape from unemployment) and "pull" (self-employment, which resembles the entrepreneurship).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хуснида Кулимова,
Тошкент молия институти «Халқаро молия ва кредит» кафедраси ассистенти

Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини ташкил этади ва бюджетнинг харажатлар қисми орқали иқтисодиётга молиявий таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Солиқлар давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган иқтисодий соҳасидаги фаолиятида, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишини таъминлашда, иқтисодиётни тартибга солишда ва бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарали солиқ сиёсати, унинг иқтисодиёт тараққиёти равнақи учун муҳим механизм эканлиги, шунингдек, солиқ сиёсатидаги шиддатли ислоҳотларнинг бориши бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни белгилаб беради. Шу нуқтаи-назардан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида янги талаблар асосида давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: «2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин»[1].

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018.*

Мамлакатда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларини ўзида акс эттирган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида муҳим вазифа сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»[2] белгиланди.

Қулай рақобат муҳитини яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкламасини камайтириш, республика инвестицион жозибадорлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Бунда солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқлар ва мажбурий тўловларни унификациялаш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, солиқ юкини, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини узоқ ва бориш қийин бўлган жойларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, йирик корхоналарга бўлган солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобига изчил пасайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»[3]ги Фармони солиқ сиёсатидаги муҳим йўналиш бўлди. Мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Қулай рақобат муҳитини яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкламасини камайтириш, республика инвестицион жозибадорлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш йўлларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни молиявий жиҳатдан таъмин этишнинг муҳим асоси давлатнинг фискал мақсадлари ва солиқларнинг самарали амал қилиш механизми мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш орқали такомиллаштиришдан иборат.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш йўлларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни молиявий жиҳатдан таъмин этишнинг муҳим асоси давлатнинг фискал мақсадлари ва солиқларнинг самарали амал қилиш механизми мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш орқали такомиллаштиришдан иборат.

[2] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018.*

[3] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони (http://lex.uz).*

«Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилингач, солиқ тизими модернизацияси амалга ошириб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида «ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш», «даромадларни легаллаштириш ва «яширин иқтисодиёт» улушини камайтириш», солиқ муносабатларида «солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг «ҳамкорликда ўсиши»га асосланган янги мулоқот тизимига ўтиш», «солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши» каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим»[4].

Бюджет даромадларини оширишда солиқлар молиявий сиёсатнинг энг марказий масалаларидан бўлганлиги сабабли, бу мавзу кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича муҳокама қилинган. Хусусан, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Э. Тошмуродованинг илмий ишларида солиқлардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган[5]. И. Ниязметов илмий ишлари солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш йўлларига бағишланган[6]. А.Х. Исламкулов ўз изланишларида бюджет даромадларида солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлашга доир масалаларни тадқиқ этган[7].

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб беради.

Ушбу тадқиқотлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ўзида ифода этади. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон Респуб-

[4] *Азизов У.Ў. Изчил солиқ сиёсати – иқтисодий ривожланиш омили. «Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. – 6 б.*

[5] *Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 44 б.*

[6] *Ниязметов И. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Т.: БМА. 2018. – 70 б.*

[7] *Исламкулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. – 21 б.*

ликасининг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб беради. Бу мақсадга эришиш учун давлат бюджети даромадлари барқарор бўлиши ҳамда турли ташқи омиллар натижасида кескин камайиб кетмаслиги кераклиги талаб қилинади.

